II. САНОАТ

Вилоят саноат корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик жихатдан янгилаш жараёнларининг жадаллашиши натижасида 2018 йилнинг январь-июнь ойларида 1 392,8 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши таъминланиб, ўсиш суръати 2017 йилнинг тегишли даврига нисбатан 108,3 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида кўпроқ қайта ишлаш саноатига тўғри келиб, унинг улуши 91,8 фоизни ташкил этди (2017 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан ўсиш суръати 107,9 фоиз). Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш улуши 1,1 фоизни (ўсиш суръати 92,5 фоиз), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш улуши 5,3 фоизни (ўсиш суръати 102,3 фоиз), сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш улуши 1,8 фоизни (ўсиш суръати 199,9 фоиз) ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркиби

(жами саноат махсулотлари ишлаб чиқариш хажмига нисбатан фоизда)



Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилиши, кичик бизнес томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2017 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 111,1 фоизга ошишини таъминлади. Агарда жами саноатда кичик бизнеснинг улуши 60,8 ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича
саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(2018 йилнинг январь-июнь ҳолатига)

	Млрд. сўм	*2017 йил январь-июнга нисбатан фоизда*
Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми	**1 392,8**	**108,3**
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	**15,3**	**92,5**
улардан:		
Тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият	15,3	92,5
Қайта ишлаш саноати	**1 277,9**	**107,9**
ундан:		
Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	298,6	90,3
Ичимликлар ишлаб чиқариш	0,2	129,1
Тўқимачилик махсулотлари ишлаб чиқариш	412,5	107,1
Кийим ишлаб чиқариш	101,7	126,3
Тери ва унга тегишли маҳсулотлари ишлаб чиқариш	630,0	142,2
Ёғоч ва пукак буюмлар (мебелдан ташқари), похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чикариш	9,0	145,3
Қоғоз в қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш	4,4	46,9
Ёзилган материалларни нашр этиш ва акс эттириш	1,0	211,0
Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	4,4	92,0
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	-	-
Фарматевтика маҳсулотлари ва припаратларини ишлаб чиқариш	0,3	103,1
Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	65,0	124,8
Бошқа нометал менирал маҳсулотлари ишлаб чиқариш	106,1	178,9

	Млрд. сўм	*2017 йил январь-июнга нисбатан фоизда*
Металлургия саноати	14,0	39,9
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	8,0	99,7
Компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	20,0	201,7
Электр ускуналар ишлаб чиқариш	134,0	101,9
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш	3,3	178,5
Мебель ишлаб чиқариш	17,6	127,3
Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	6,7	197,0
Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш	7,7	385,4
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	0,4	48,3
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	**74,4**	**102,3**
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	**25,2**	**199,9**

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши, вилоят саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди, мазкур дастур доирасида 2018 йилнинг январь-июнь ойларида 33,4 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 991,5 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар экспорт қилинди ва 65 та янги иш ўринлари яратилди.

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари

	2017 й. январь-июнь	*2018 й. январь-июнь*
Лойиҳалар сони, *бирлик*	35	41
Корхоналар сони, *бирлик*	20	27
Ишлаб чиқариш ҳажми, *млрд. сўм*	5,0	33,4
Экспортга қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот хажми, минг *АҚШ долл.*	-	991,5
Яратилган янги иш ўринлари, *бирлик*	25	65

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш натижасида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 2017 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 102,8 фоизга ва жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улушини эса ўтган йилнинг мос давридаги 54,1 фоиздан 48,2 фоизга камайган.